

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2022 йил 4 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи Р.Арапов, О.Қобуловнинг котиблигида, Ёзёвон туман прокурори ёрдамчиси Н.Нишонов, адвокат Ш.Зокиров, судланувчи Ж.Турсунов ва фуқаровий даъвогар вакили С.Акбаровларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан Ж.Турсуновга нисбатан 1-1510-2201/188-сонли жиноят ишини кўрди.

Турсунов Жахонгир Абдурашидович, 1985 йил 27 июль куни Қирғизистонда туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, оилали, 4 нафар фарзанди бор, АТ “Халқ банки” Ёзёвон филиали кредитлар мониторинги хизмати бош мутахассиси вазифасида ишлаган, ҳозирда ҳеч қаерда ишламайди, Ёзёвон тумани, Тегирмонбоши м.ф.й., Истеъдод кўчаси, 29-уйда яшайди, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2022 йил 6 сентябрь куни олган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, дастлабки тергов ва судда йиғилган далилларни ҳар томонлама ва тўла текшириб, ҳолисона баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Турсунов Жахонгир Абдурашидович, АТ “Халқ банки” Ёзёвон филиали кредитлар мониторинги хизмати бош мутахассиси вазифасида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан қўлга киритиш ҳақида жиноят ишининг унга оид қисми ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан тугатилган шахс билан олдиндан жинойий тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, ўзи норасмий равишда бошқариб келган “Равнак Файз Барокат” хусусий корхонаси билан О.Мамажонов ўртасида 12.11.2021 йилда қиймати 25.000.000 сўмлик иссиқхона қуриш йўналишида пудрат шартномаси расмийлаштириб, аслида қурилмаган иссиқхонани гўёки таъминотчи корхона томонидан қурилгани ҳақида 22.11.2021 йилда сохта мониторинг далолатномаси тузиб, далолатномани О.Мамажоновга имзолатиб, кредит ажратилиши сўралиб тўпланган ҳужжатларни банкка тақдим қилиб, “Халқ банки” Ёзёвон филиали томонидан О.Мамажоновга 25.11.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.10.2019 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4498-сонли Қарорига асосан қабул қилинган “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури доирасида йиллик 14 фоиз устама тўлаш шarti билан иссиқхона қуриш йўналиши бўйича 25.000.000 сўмлик имтиёзли кредит ажратилишига ва “Равнак Файз Барокат” хусусий



корхонаси ҳисоб рақамига ўтказилишига эришиб, О.Мамажоновни номига ажратилган 25.000000 сўм кредит маблағини нақдлаштириб, шахсий манфаатлари йўлида сарфлаб, АТ “Халқ банки” Ёзёвон филиалининг 25.000.000 сўм маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи Ж.Турсунов судда, эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроп бўлиб, 2021 йил 6 июлдан 2022 йил 13 июлга қадар АТ “Халқ банки” Ёзёвон филиали кредитлар мониторинги хизмати бош мутахассиси лавозимида ишлагани, О.Мамажоновни олдиндан таниши, 2021 йил сентябрь ойида фуқаро О.Мамажонов имтиёзли кредит олмоқчилиги, олинган имтиёзли кредит пулларини муқаддам акаси Э.Мамажоновни номига олган кредит бўйича тўланмай қолган қарздорликни сўндиришга сарфлашини айтгани, шунда ҳисоб китоб қилиб 25 млн. сўм кредит олса акасини кредитдан бўлган қарздорлигини қоплаши мумкинлигини тушунтиргани, шундан сўнг О.Мамажонов банкдан иссиқхона йўналишида 3 йил муддатга 14% устама тўлаш шарти билан 25 млн сўм имтиёзли кредит маблағлари олиш учун ариза бергани, аризасига паспорт нусхаси ва сектор раҳбарининг тавсияномасини илова қилгани, шунда дастлабги мониторинг ўтказиш учун О.Мамажоновни яшаш хонадонига бориб хулоса тузиб, О.Мамажонов билан имзолашиб, хонадонда иссиқхона қуриш учун 5 сотих бўш ер майдони мавжудлигини баён қилгани, 22.11.2021 йил кунги далолатномада эса О.Мамажоновни хонадонда 5 сотих иссиқхона қуриб битказилганини баён қилгани, аслида О.Мамажоновни Иттифок маҳалласи, Ал-Фарғоний кўчаси, 39-уйда жойлашган хонадонда иссиқхона мавжуд бўлмасда лекин мониторинг далолатномага 5 сотих иссиқхона қуриб битказилгани тўғрисида ёлғон маълумот киритиб расмийлаштиргани, кейин О.Мамажоновга ажратилган имтиёзли кредит маблағини ўзи норасмий равишда бошқариб келган таъминотчи корхона “Равнақ Файз Барокот” хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб, корхона корпоратив пластик картаси орқали Фарғона шаҳрининг Киргили мавзесидаги темир бозорида нақдлаштириб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборгани, О.Мамажоновни номига кредит олганидан филиал раҳбари ёки бошқа ходимларни умуман хабари бўлмагани, кредит қонуний равишда фуқаронинг аризасига асосан берилгани, бироқ иссиқхона қурилмасдан нақдлаштириб олгани, ҳозирда зарарни тўлиқ қоплагани, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ж.Турсуновнинг айби, унинг иқрорлик кўрсатувидан ташқари қуйидаги далиллар билан, жумладан:

- фуқаровий даъвогар С.Акбаровнинг судда, АТ “Халқ Банки” Ёзёвон филиалида ҳуқуқшунос лавозимида ишлаб келиши, Ёзёвон туман прокуратураси иш юритувидаги “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури доирасида ажратилган имтиёзли кредит маблағларини талон-торож қилинган юзасидан кўзгатишган жиноят иши бўйича фуқаровий даъвогар сифатида иштирок этаётгани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.10.2019 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”даги ПҚ-4498-сонли Қарорига асосан “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури бўйича жисмоний шахсларга имтиёзли кредитларни ажратилиши белгилангани, кредитларни ажратилиши мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб



белгилангани, унга кўра, жисмоний шахсларга 33,0 млн. сўмгача гаров таъминотисиз ҳоқим ёрдамчисининг тавсияномасига асосан 83 турдаги йўналишлар бўйича (иссиқхона, асараричилик, қуёнчилик, чорвачилик, тикувчилик ва бошқалар) 3 йилдан 7 йилга қадар йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарти билан (имтиёзли даври билан) кредитлар ажратилиши кўзда тутилгани, иссиқхона қуриш йўналишида бериладиган кредитлар буюртмачи билан пудратчи ўртасида тузиладиган шартномадан келиб чиқиб белгиланиши, бу йўналишдаги кредитлар иссиқхона қурилиб битказилгандан сўнг таъминотчини ҳисобига ўтказиб берилиши, таъминотчи бўлса объектни тўлиқ қуриб битказиш мажбуриятини олиши, 2021 йил 25 ноябрь куни АТ “Халқ Банк” Ёзёвон филиали томонидан фуқаро О.Мамажоновга иссиқхона қуриш йўналиши бўйича қиймати 25 млн сўм миқдорда йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 3 йил муддатга имтиёзли кредит маблағлари ажратилгани, О.Мамажоновга имтиёзли кредит маблағлари ажратилишида унинг ёзма аризаси, туман 1-сектор раҳбари берган тавсиянома ва банк ходими Ж.Турсунов томонидан тузилган дастлабки мониторинг далолатномаси асос бўлгани, кредит олган фуқаро шахсан ўзи кредит олиш истагини билдиргани ва ўрганиш натижалари бўйича уни бошқа кредит тўловларидан қарздорлиги бўлмаганлиги ва тўлов қобилиятига эга эканлигини инобатга олиб, кредит комиссиясининг ижобий хулосаларига асосан имтиёзли кредит маблағлари ажратилгани, О.Мамажоновга иссиқхона қуриш йўналишида АТ “Халқ Банки” Ёзёвон филиали томонидан қонуний тарзда кредит маблағлари ажратилгани яъни кредит йиғма жилди ҳужжатларини расмийлаштириш амалдаги қонун талабларига риоя этган ҳолда бажарилгани, бироқ уни сарфланиши яъни иссиқхона қурмасдан нақдлаштириб олиниши кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ҳисобланиши, тергов вақтида Ж.Турсунов банк манфаатларига етказилган зарарни қоплаш учун 25.000.000 сўм ва жинойт ишининг дастлабки терговда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан тугатилган қисми доирасида М.Муродов банк манфаатлари учун етказилган зарарни қоплаш учун 33.330.000 сўм вилоят прокуратураси депозит ҳисобига тўлаб зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-гувоҳ О.Мамажоновнинг судда, Ж.Турсунов билан 2019 йилда акасини номига кредит олиш мақсадида АТ “Халқ банки” Ёзёвон филиалига мурожаат қилганида танишиб қолгани, 2019 йил куз ойларида акасини номига АТ “Халқ банки” Ёзёвон филиалидан 18 ой муддатга 15 фоиз миқдорда устама тўлаш шарти билан 30,0 млн сўм кредит олиб, арра ускунаси сотиб олиб ишлаб чиқариш қилгани, лекин ишлари юришмай фаолияти ўз натижасини бермагани, натижада банкдан олинган кредитини қайтаришга қийналиб қолгани, бу орада акаси ҳам кредитни тезроқ ёпиб қўйишини айтгани, шундан ўзини номига имтиёзли кредит олиб акаси Эгамбердини номида бўлган кредитни ёпиб қўйиш фикри уйғониб, 2021 йил сентябрь ойларида ўзини номига кредит олиш учун АТ “Халқ Банки” Ёзёвон филиалида ишловчи таниши Турсунов Жахонгир билан кўришиб, ўзини номига кредит чиқариб берса акасини кредитини ёпиб қўймоқчилигини айтганида Жахонгир рози бўлиб, 2021 йил декабрь ойида уни номига иссиқхона йўналишида 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 3 йил муддатга 25,0 млн сўм имтиёзли кредит чиқариб бергани, Ж.Турсуновдан ҳеч қандай пул олмагани, унга нақд пулларни кўрсатмагани, фақат банк томонидан



уни номига иссиқхона учун ажратилган 25,0 млн сўмни ўзининг компютерида кўрсатгани, шунда унга ушбу кредитни акаси Э.Мамажоновни номида бўлган 2019 йилда олинган 30,0 млн сўм кредитга ўтказиб қўйишини айтиб кетгани, 2022 йил июнь ойида филиал ходимлари акасини уйига бориб 2019 йил олган 30,0 млн сўм кредит маблағи учун тўлов қилишини айтганларида акаси телефон қилиб, “олган кредитингни ёпмаган экансан, банк ходимлари уйимизга келишди” деб айтгани, шунда ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида “Халқ Банки” Ёзёвон филиалига бориб Ж.Турсуновни топа олмагани, ўша ерда акасини номига олинган 30,0 млн сўмдан 25,0 млн сўми ёпилмагани, 2021 йил декабрь ойида номига олинган 25,0 млн сўм кредит маблағларини Жаҳонгир ўз этиёжлари учун ишлатиб юборган эканини билгани, Ж.Турсунов ундан қочиб юргани сабабли амалий ёрдам сўраб ИЖКК Департаменти Ёзёвон туман бўлимига ариза билан мурожаат қилган ҳақидаги кўрсатувлари;

- шунингдек, кредит ҳужжатлари ва бошқа далиллар билан тўлиқ исботланди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ж.Турсуновнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, у мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, жиноят ишининг унга оид қисми ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан тугатилган шахс билан олдиндан тил бириктирган ҳолда бир гуруҳ бўлиб, сохта ҳужжатлар тузиш орқали АТ “Халқ банки” Ёзёвон филиалининг 25.000.000 сўм маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 54-моддасида эса Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинланиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқорида қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя этган ҳолда судланувчи Ж.Турсуновга нисбатан жазо тайинлашда, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда шахсини эътиборга олиб, унинг муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этиб, унга у айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, шунингдек ЖКнинг 45-моддаси тартибида ҳар қандай мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни лозим топди.



Суд, жиноят натижасида етказилган зарар қоплаш учун топширилиб, Фарғона вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисобида сақланаётган Ж.Турсунов томонидан тўланган 25.000.000 сўм ва жиноят ишининг дастлабки терговда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан тугатилган қисми доирасида М.Муродов томонидан тўланган 33.330.000 сўм, жами 58.330.000 сўм пуллар “Халқ банки” Ёзёвон туман филиали ҳисобига ўтказилиши лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Турсунов Жаҳонгир Абдурашидович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари ва 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ж.Турсуновга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси тартибида 1 (бир) йил муддатга ҳар қандай мансабдорлик лавозимлари ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси 2-қисмига асосан тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил 1 (бир) йил муддатга ҳар қандай мансабдорлик лавозимлари ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо жазони ижро этиш органи белгиланган жойларда ўтатилсин.

Жазони ўташ муддати у юборилган жойда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Ёзёвон туман ИИБ ПГ зиммасига юклатилсин.

Ж.Турсуновнинг муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Фарғона вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисобида сақланаётган 58.330.000 (эллик саккиз миллион уч юз ўттиз минг) сўм пуллар АТ “Халқ банки” Ёзёвон туман филиали ҳисобига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар вакили эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 20 сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

имзо

Р.Арапов

Нусхаси аслига тўғри:

Жиноят ишлари бўйича

Ёзёвон туман судининг

раиси:

Р.Арапов



Хужжат имзоланган: Арапов Рахматжон Эргашович, 25.11.2022

